

ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА АТОҚЛИ ОТЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Г. Обруева¹

Аннотация:

Халқ орасида жуда кўп мақол ва идиоматик иборалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос мавзу ва маънога эга. Улар орасида атоқли отлар иштирокидаги мақол ва идиомалар кўп учрайди. Атоқли отлар иштирокидаги мақол ва идиоматик иборалар тилга кўрк бағишлайди. Улар кўпроқ сўз бойлиги ва дунёқарашни кенг одамлар томонидан қўлланилади. Ушбу мақола атоқли отлар билан фразеологик бирликларни ўрганишга бағишланган. Мақолада, шунингдек, лингвомаданий хусусиятларга эга бўлган баъзи паремиологик бирликлар батафсил тавсифланади.

Калит сўзлар: атоқли отлар, паремиологик бирликлар, маданият, маданий, умуминсоний, маънавий фазилатлар, хулқ-атвор, мақол

doi: <https://doi.org/10.2024/5vt89s72>

Тилни ўрганиш жараёнида биз кўплаб паремиологик бирликларга дуч келишимиз мумкин. Уларнинг оғзаки ва ёзма равишда турли хил вазиятларда қўлланилишини кузатамиз. Оддий паремиологик бирликларни тилда кўп учратиш мумкин, лекин атоқли отга эга паремиологик бирликлар ҳар доим ҳам топилмайди. Илмий иш жараёнида бундай паремиологик бирликларни топиш ва тадқиқ биров қийинчилик туғдирди, лекин уларни ўрганиб, таҳлил қилиб, кўплаб янгилик ва маълумотлар тўплашга ҳаракат қилдик.

Ўрганиш орқали авлоддан-авлодга ўтадиган асосий эътиқодлар, урф-одатлар ва тажрибалар мажмуи маданият дейилади. Кишиларнинг хулқ-атворида йўл-йўриқ кўрсатиш, жамиятдаги муаммоларга ечим топиш учун қўллайдиган, бировнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ эътиқод, урф-одат ва қарашлар ҳам маданият дейилади. Бундан ташқари, маданиятни инсоннинг хатти-ҳаракатлари билан изоҳлаш ва ижро этиш нуқтаи назаридан боғланган экспрессив амалиётлар ва ўзаро маънолар тизими сифатида кўриш мумкин.

Мақол - бу умумий ҳаёт ҳақиқатининг ихчам, мазмунли баёни бўлиб, унда оддий тажриба эсда қоларли тарзда умумлаштирилади. Мақоллар маълум бир вақт ва келиб чиқиш жойига эга бўлган маданий баёнотларга эга бўлишига қарамай, улар умумий инсоний тажрибани ўзида акс эттиради.

Мақолларни шакллантириш ва тушуниш миллий маданиятга чуқур сингиб кетган. Ижтимоий ҳаётнинг муайян вазиятлари ва умуман ҳаёт ҳақидаги мақоллар ҳақиқатни кўрсатиш учун алоҳида мавзуларга урғу беради. Мақоллар маданий хилма-хилликни ўз ичига олган бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Мақоллар кўпинча том маънода эмас, балки мажозий

¹ Г.Х.Обруева, Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори

маънода қўлланилишини ёдда тутиш жуда муҳимдир. Мақоллардан фойдаланиш одамларнинг ташқи дунёни қандай идрок этишини шакллантиришда концептуал метафораларнинг умумбашарий аҳамиятини кўрсатади. Бундан ташқари, метафораларни яратиш, ишлатиш ва тушунишда муайян миллий маданият муҳим рол ўйнайди.

Мақоллар турли хил йўллар билан маданий тушунча беради. Улар авлоддан-авлодга ўтганлиги сабабли, анъанавий (ва баъзан эскирган) қарашлар ва қадриятлар, хатти-ҳаракатлар, тажрибалар ва ҳаёт тарзларини ўзида сақлайди (масалан, «Эрта ухлаш ва эрта туриш одамни соғлом, бадавлат ва доно қилади» (Early to bed and early to rise makes a man healthy, wealthy, and wise), «Агар калтак емаса, бола бузилади» (Spare the rod, spoil the child) ва «Аёлнинг ўрни уйда» («A woman's place is in the home»). Шунингдек замонавий мақоллар технология асридаги ҳаёт ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнининг ўзгараётганлигини кўрсатади (масалан, «Нима кўрсанг, шуни оласан» (What you see is what you get), «Ичи сифатсиз нарсанинг ўзи ҳам сифатсиз» (What you see is what you get), Эркак кишисиз ҳам ўзи мустақил кун кўра оладиган аёл (Woman without a man is like a fish without a bicycle).

Бундан ташқари, биз маданий чегараларни муайян мақол элементларининг ижобий ёки салбий маъноларида кўриш мумкин. Масалан, инглиз тилида “ит” сўзи асосан салбий маънода қўлланилади (масалан, «Ёмон кунлар ҳам ўтиб кетади» (Every dog has its day) ва “юррак” сўзи одатда ҳис-туйғуларни ифодалашда (масалан, «Қанча узоқ кўрмасанг, муҳаббатинг шунча ошади.» (Absence makes the heart grow fonder).

Мақолларни ўрганиш халқ маданиятини англаш учун зарур ҳисобланади. Мақол ва маталларда инсоннинг турли ҳолатлар ва вазиятлардаги хатти-ҳаракатлари ва шу ҳаракатларига нисбатан тез-тез ишлатиладиган ва қабул қилинган қадриятлар мавжуд. Улар шунингдек, жамиятда қабул қилинган маданий қадриятларни ҳам ифодалайди. Мақоллар кўпинча ҳаётий ҳодисаларга ишораларни ўз ичига олади. Ушбу бой маданий материал нутқ дарсларида кенг ёритилиши лозимдир. Ўрганилаётган тилнинг мақолларини билиш маданият ва миллий ўзликни яхшироқ тушунишга олиб келади.

Мақолларда кундалик ҳаётга тааллуқли, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ва осон тушунилади. Мақолларнинг ижобий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчи инглиз тилини хорижий тил сифатида ўргатишда тил кўникмаларини ўргатишдан олдин мақоллардан фойдаланиши мумкин. Бу сўз бойлиги, грамматика, гап тузилиши, ахлоқий қадриятлар ва бошқа мавзуларни мустаҳкамлаш учун энг яхши усул ҳисобланади.

Мақоллар устида олиб борилган изланишлар давомида инглиз ва ўзбек тилларида маъно жиҳатдан ўхшаш кўплаб мақоллар борлигига амин бўлдик, бу шуни англатадики, турли хил маданий жамиятларда бир-бирига ўхшаш бўлган одатлар, маданий хулқ-атвор ва турмуш тарзи жуда кўп. Инглиз ва ўзбек тилларидаги маъно жиҳатидан ўхшаш, лекин шакллари жиҳатидан фарқ қилувчи мақолларга мисоллар келтирамиз:

-East, West home is best.

O'z uying o'lan to'shaging.

- Savr kirdi — ekinlarga davr kirdi.

- April shower bring May flowers.
 -Rome was not built in a day.
 Sabrning tagi sariq oltin.
 -Spring is in the air.
 Hamal kirdi-amal kirdi.
 -Every day is not Sunday.
 Bekor chidan xudo bezor.
 -Jack is no judge of Jill's beauty.
 Sevgining ko'zi ko'r.
 -March comes in like a lion and leaves like a lamb.
 Mart qorda boshlanar va ko'katlar bilan yakunlanar.
 -Navro'zdan so'ng qish bo'lmas, Mizondan son'g yoz bo'lmas.
 Everything has its own time.
 -All work and no play makes Jack is a dull man.
 Yaxshi dam – mehnatga hamdam.
 -An Englishman's home is his castle.
 O'z uyingda poshshodirsan.
 -If the mountain will not come to Mohammed,
 Mohammed must go to the mountain.
 a) Izlagan imkon topar
 b) Qalovini topsang qor ham yonadi
 c) Hamma masalaning yechimi bor
 d) Iloji yo'q narsaning o'zi yo'q
 - What Manchester says today, England says tomorrow.
 Bugungi ishni ertaga qoldirma.
 -You can drive Nature away with a pitchfork, but she keeps coming back.
 Taqdirdan qochib bo'lmaydi.

Ҳаммамизга маълумки, тил ва маданият узвий боғлиқдир. Маданиятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу тилдир. Биз ҳеч бир маданий жараёнларни тилдан ажарата олмаймиз, тил маданият мероси ва ривожланишининг муҳим шаклларида биридир. Ҳар бир тил катта маънавий бойликка эга маданият кўзгусидир. Мақол ва маталлар маданият билан чамбарчас боғлиқ; улар тарихий яхлитлик ва чуқур маданий маъно-мазмунни ўзида акс эттиради.

Мақолларни маданий билимга эга бўлиш ва мулоқотни рағбатлантириш учун ўрганиш мумкин, чунки ўрганилаётган тилда мақолларни ўрганиш шу тилда сўзлашувчиларга оғзаки мулоқот компетенция ривожлантириш имконини беради. Бир қатор сабабларга кўра, мақолларни ўрганиш метафорик тилни ва, демак, метафорик компетенцияларни турли вазиятларда фойдаланиш учун ажойиб ёндашувдир.

Айтиш мумкинки, миллий характер - муайян миллатга хос бўлган ўзига хос жисмоний ва маънавий фазилатлар, хулқ-атвор ва хулқ-атвор қоидалари йиғиндисидир. Халқнинг турмуш тарзи, маданияти, дини мақоллар орқали намоён бўлади. Кўпгина маданиятларнинг мақол ва маталларини солиштириш уларнинг қанчалик умумий томонлари борлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида одамларнинг бир-бирини яхшироқ тушунишига ва ҳурмат қилишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Йўлдошев Б. “Ўзбек ономастикаси масалалари” услубий қўлланма.
– С., 2011. -110 б.

[2]. Мезенко А.М., Генкин В.М. Теория имени собственного: учебное
пособие / Деревяго; под общ. ред. А.М. Мезенко. – Витебск: ВГУ имени П.М.
Машерова, 2022. – 202 с. ISBN 978-985-517-863-8.

[3]. Обруева Г.Х. О сдвиге имени собственного в разряд
нарицательных слов во фразеологии английского языка. Вестник Челябинского
государственного университета, (22), 2010. – С.100-102.

[4]. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии.
М., 1988.- 200 с.

[5]. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. –М., 2023
ISBN 978-5-9710-5838-0. - 366 с.

[6]. Zafarovna, Fayzulloyeva Zilola. "The Functional Styles of Modern
English Language." (2023): 40-42.